Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
21 июнь
ЧОРШАНБА
№ 50 (12998)
www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги олижаноб фазилатларни, шукроналик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 26 июнь душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2017 йил 26 июнь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда халқимизнинг миллий урф-одатларига мос тарзда, тартибли ва юқори даражада ўтказиш учун зарур тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 июнь

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, шунингдек, жамоат муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев бошқарди.

Қайд этилганидек, Тошкент катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ресурсларга эга вилоят сифатида республикамизда алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келмоқда.

Президентимиз 2016 йил 15 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида пойтахт вилоятининг маркази ҳақида ўз фикрларини баён этиб, бу ерда кўп қаватли тураржой бинолари, маиший хизмат объектлари бунёд этиш, уни Тошкент шаҳри билан боғлайдиган йўл инфратузилмасини қайта қуриш каби бир қатор кўламли ишлар юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдирган эди.

Табиийки, ушбу вазифаларни амалга оширишни, энг аввало, вилоят маъмурий марказини белгилашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар Тошкент вилоятининг маъмурий марказини белгилаш ва кўчириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, атрофлича муҳокама қилдилар. Унга кўра, Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб, Ўрта Чирчиқ тумани марказини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун шаҳар ҳокими Мамасобир Бухарбоев эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Зафар Жоруллаевич Файзуллаев Бекобод шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокими Ш. Бобоев сўзга чиқди.

Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Отабек Убайдуллаевич Исроилов Бекобод тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокими Ш. Бобоев иштирок этди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент вилояти ҳокими Шукурулло Бобоев Тўйтепа шаҳрида Санкт-Петербург (Россия) ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация билан учрашув ўтказди.


❑ Учрашув

Ҳоким учрашув чоғида Тошкент вилояти инвестицион салоҳияти юқори бўлган ва жадал ривожланаётган ҳудуд эканини, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар, ишбилармонлар ва бизнес вакилларининг самарали фаолияти учун кенг имконият ва шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, вилоятда ташкил этилган "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида замонавий инфратузилма йўлга қўйилган ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган. Ўзбекистон металлургия комбинати – "Ўзметкомбинат", Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ангрен кўмир кони, "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти каби йирик корхоналарни босқичма-босқич модернизация қилиш орқали уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари мунтазам оширилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича ишлаётган корхона ва ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятнинг қулай иқлим шароити аграр секторни энг истиқболли йўналишлардан бирига айлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент вилоятида яратилган интенсив боғлар, токзорлар, полизлар, ғалладан бўшаган далалардан такрорий фойдаланиш учун озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ҳам яхши самара бериши ҳаётда ўз тасдиғини топди. Қолаверса, бу мавсумда айрим фермерлар 100 центнергача сара буғдой ҳосилини олмоқда.



Балиқчилик соҳаси кенг ривожланаётир: бу соҳани тез ўзлаштириб олган тадбиркорлар балиқ етиштириш, уни қайта ишлаш, аҳоли талабига мос балиқ турларини таклиф қилиш бўйича самарали иш олиб бормоқда. Хуллас, хорижлик сармоядорлар эътиборини қозонишга лойиқ натижалар кўп, шароит ва имкониятлар етарлидир.

– Ўзбекистонда яратилган қулай бизнес шароитидан унумли фойдаланиш зарур, – дейди "Возрождение" (Санкт-Петербург) компанияси вакили Максим Анисимов. – Компаниямиз бир неча йилдан буён табиий тош қазиб олиш ва кон иши билан шуғулланади. Мақсадимиз – Тошкент вилоятида қўшма корхона очиб, бизнесимизни кенгайтириш, юртингизга тайёр маҳсулот олиб киришдан иборат. Биз мамлакатингизда кенг фойдаланиш имкони бўлган тошга ишлов берувчи замонавий технологияларни ишга жалб қиламиз. Умуман олганда, Тошкент вилоятига ташрифимиз жуда самарали бўлди ва ҳамкорлик бўйича режаларимиз амалга ошишига ишонамиз.

Учрашув давомида томонлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, маҳсулотлар экспорти салоҳиятини ошириш, сармоя киритиш каби муҳим масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Курултой

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг навбатдан ташқари Қурултойи бўлиб ўтди.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Президентимизнинг "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва палатанинг низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, палата ижро қўмитаси раиси ва раис ўринбосарларини сайлаш масалалари кун тартибидан жой олди.

Давоми 2-бетда.

ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ, ДЕҲҚОННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Бу йил вилоятимиз ғаллакорлари 130 минг 580 гектар ерда ғалланинг "Гром", "Таня" каби эртапишар ва серҳосил навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштиришди.

❑ Ғалла – 2017

Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилгани йиғим-терим авж паллага кираётган айни кунларда ўз самарасини бермоқда. Ташкил этилган бир юз олтмишдан ортиқ ўрим отрядлари таркибига киритилган 280 га яқин юқори унумли комбайнлар соз ҳолатда ишламоқда. Бир минг олти юздан кўпроқ транспорт воситалари – автомобиль, трактор ва тиркамалар ўрилган донни пешмапеш манзилга етказаётир. Жойларга тақсимланган 130 га яқин ёқилғи ташиш техникалари ишни енгиллаштирмоқда.

2



❑ Дарвоқе

Мамлакатни модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори айни шу муҳим мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган.

ЗАНГИ ОТА САЙИЛИНИ ТИКЛАШ ФУРСАТИ КЕЛМАДИМИ?

Қарорга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури" тасдиқланди. Дастурнинг асосий йўналишлари доирасида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, бу муҳим ҳужжатда "Баҳор нафаси" халқаро санъат фестивали, "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали, "Ёшлик баҳори" республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайилларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш зарурлиги қайд этилган.

Президент Қарорида ҳозирги даврда анъанага айланган нуфузли фестивалларимиз билан бир қаторда халқ сайилларини ҳам ташкил этишга алоҳида урғу берилаётгани бежиз эмас. Чунки, халқ сайиллари – йилнинг маълум фаслларида ўтказиладиган катта ва тантанали халқ сайр-томошалари бўлиб, одатда Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларида ташкил этилган.

3

2017 йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига **ОБУНА** давом этмоқда!

❑ Муносабат

Юртимизда муборак Рамазон ойи ўзгача шукуҳ билан ўтиб бораётган муаззам кунларда пойтахтимизда "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуида йирик анжуман ўтказилди. Унда республикамиздаги барча дин пешволари ва кенг жамоатчилик аъзолари иштирок этдилар. Мазкур анжуманда муҳтарам Президентимиз иштирок этиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар ва жойлардаги масжид имом-хатиблари билан юзма-юз мулоқот қилди.

МАЪРИФАТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Маълумки, мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган барча ислоҳоту саъй-ҳаракатлар ягона улуғ мақсад, яъни халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш, турмуш фаровонлигини ошириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласи олий қадрият даражасига кўтарилган юртимизда барча миллат ва дин вакиллари бирдамликда, аҳилликда, бугунги кундан рози бўлиб ҳаёт кечирмоқдалар.

Мустақиллик йилларида муқаддас ислом динимизга бўлган эътибор тубдан ўзгариб, унинг ривожи ва тараққиёти учун оламшумул ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Буюк аждодларимизнинг мақбаралари обод зиёратгоҳларга айлантирилиши, улар қолдирган улкан маънавий меросни ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, янгиянги масжид ва мадрасалар, исломнинг барча арконлари учун яратилаётган кенг имкониятлар халқимизнинг айни дилидаги иш бўлмоқда. Вилоятимиз аҳли маънавий ҳаётининг кўзгуларидан бири ҳисобланган Занги ота мажмуаси бугун юртдошларимиз учун том маънода эзгулик улашувчи обод масканга айлантирилгани ҳам фикримиз далилидир.

Давоми 3-бетда.

❑ 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Оҳангарон туманида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Баҳодир Деҳқонов очиқ мулоқот ўтказди.

Суд органлари тизимидаги одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммо ва келгуси вазифаларга бағишланган тадбирда Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари судлари раислари, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд раислари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раис ва маслаҳатчилари иштирок этди.

Тадбирда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида маълумот берилди.

– Жорий йил 13 июнь куни суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини алоҳида таъкидлади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б. Деҳқонов. – Келгусида жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш, судлар фаолиятига видеоконференция алоқани кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминловчи идоралараро электрон маълумот алмашиш тизимини шакллантириш мақсад қилинган.

Мутахассислар иштирокида муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

А. МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.


САЙЁР ҚАБУЛ – КЎПЧИЛИККА МАЪҚУЛ

Паркент туманидаги соя-салқин жойлардан бири – "Қўшчинор" маданият ва аҳоли дам олиш боғида ўтказиладиган сайёр қабулга белгиланган вақтдан бир оз эртароқ бордик. Шундай бўлса-да, бу ерда иштирокчилар учун ташкил этилган ўриндиқлар деярли тўлган. Мулоқот бошланишини кутаётган, чамаси эллик ёшларга кирган аёл ёнидаги бўш жойга ўтирдим. Гапдан-гап чиқиб, ҳаётий муаммолар хусусида бошланган суҳбатимиз уларнинг ечимига қаратилди.



Тумандаги "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини анча вақтдан бери ичимлик суви таъминотидаги узилишлар қийнаб келади. Табиийки, ёзнинг айни жазирамасида оби-ҳаётга бўлган талаб икки ҳисса ошади. Демак, муаммони тезроқ ҳал қилиш зарур.

Баҳром Умаровнинг шу маҳалла аҳли номидан қилган мурожаати вилоят сув идораси раҳбари Нўъмон Аминов масъуллигида шу



ернинг ўзида ўрганилди. Хуллас, ҳудуддаги сув қудуғини туман "Сувоқова" корхонаси балансига ўтказишга келишилди.

Паркентдаги "Навбаҳор" маҳалласида яшовчи Абдуназар Қорабоевнинг оталар номидан битилган хати 38-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия дарси ўтилишидаги камчиликлар, спорт зали йўқлиги ҳақида.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Наз моз Рўзиқуловнинг айтишича, ушбу даргоҳда спорт зал қурилиши жорий йилги давлат дастурига киритилган. Сентябрь ойигача тайёр ҳолатга келтирилиши белгиланган мазкур иншоот замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланади. Бу эса дарс ўтиш жараёнидаги етишмовчиликларнинг ўз-ўзидан барҳам топишини таъминлайди.

Кун бўйи давом этган сайёр қабулда кўриб чиқилган мурожаатлар, асосан, уй-жой, банк-молия, моддий ёрдам, судлар фаолияти, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиги, йўл қурилиши, меҳнат ва бандлик, соғлиқни сақлаш, таълим, электр энергия ва табиий газ таъминоти каби йўналишларни ўз ичига олади.

Кези келганда айтиш жоиз, мурожаатларнинг бир қисми маҳалла, нари борса, туман миқёсида ҳал қилса бўладиган масалалардир. Эътиборли жиҳати, бундай шикоятлар аста-секин камаймоқда. Бунда тармоқ ва соҳаларда фуқаролар билан ишлаш жонлангани, ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари фаолияти яхши йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда, дейиш мумкин.

Бир мисол, вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларида фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилгани, муассасалар раҳбарияти муаммолар юзасидан ота-оналар билан суҳбатлашаётгани кўплаб масалаларни таълим даргоҳининг ўзида ҳал қилиш имконини бераётир. Натижада, ушбу тизим бўйича вилоят миқёсида кўтарилаётган мурожаатлар сони қисқармоқда.

Сайёр қабулда тегишли идораларнинг масъул ходимларига аниқ муддатларда муаммоларга ечим топиш бўйича кўрсатмалар берилиб, ижроси доимий назоратда экани айтиб ўтилди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Бошланиши 1-бетда.

Тадбирда таъкидланишича, Ҳаракатлар стратегиясидаги давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида самарали мулоқот ва соғлом ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, жойларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Тақдим этилган қўшимча ҳуқуқ, вазифалар ва ваколатларни амалга ошириш мақсадида палатанинг маъмурий-бошқарув тузилмаси ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Хусусан, вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлардаги бўлимлар билан бирга тадбиркорликка кўмаклашиш марказларининг ташкил этилиши кўзда тутилган. Уларнинг фаолияти давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари ва бизнес хизматлардан бир жойда фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш ва имкониятларни тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Яна бир гап. Палата ходимларининг штати уч баробарга, яъни 435 дан 1649 нафарга оширилди. Шунингдек, икки нафар янги раис ўринбосарлари лавозими таъсис этилди.

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ва ўринбосарлари тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Юртимизда аёлларнинг мамлакат тараққиёти, жамият ҳаётида тутган ўрнини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

❑ Давра суҳбати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати ҳам шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва яшаш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

– Партия билан ҳамкорликда хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш борасида қатор лойиҳаларни йўлга қўйганмиз, – дейди вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Малика Қодирхонова. – Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қулай турмуш шароити яратишга кўмаклашиш мақсадида турли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш арафасидамиз.


Давра суҳбатида партиянинг вилоят кенгаши фаол аёллар қаноти томонидан уюшмаган хотин-қизларни касбга тайёрлаш, бандлигини таъминлаш, уларни касаначилик фаолиятига жалб қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯГОНА БИЛЛИНГ ТИЗИМИГА УЛАНАДИ

Ўзбекистон сув таъминоти ҳам газ ва электр таъминоти сингари коммунал хўжалик соҳасида ягона биллинг тизимига уланади. Ҳозирда биллингга Тошкент шаҳри, Тошкент ва Хоразм вилоятлари уланган. 2017 йил охиригача эса барча ҳудудлар ушбу тизимга уланиши режалаштирилган.

❑ Қулайлик



– Ягона биллинг тизимини жорий этиш ишлари якунланганидан сўнг барча коммунал хизматлар бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграциялашган онлайн хизмат ҳам ишга тушади, – деди "Коммунхизмат" дастурчиси Абдуғани Абдураимов. – У коммунал тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни кўриб чиқиш, коммунал тўловларни бошқариш, ҳисоблагичлар кўрсаткичлари ҳисобини юритиш, квитанциялар нусхасини олиш ва банк карталари ёрдамида хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Руҳшона ТУРСУНБОЕВА.

ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ, ДЕҲҚОННИНГ ШАШТИ БАЛАНД

– Яшаб турган уйимизнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштируви билан боғлиқ муаммони ҳал этиш учун тўрт йилдан бери югурамиз – сарсонмиз, – дейди суҳбатдошим – Паркентдаги "Новда" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Гулнора Кенжаева. – Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутасаддилари ҳали ундай, ҳали бундай деб, ишни ортга сургани-сурган. Бугун ана шу масала ечим топишига умид қилиб, бу ерга келдим.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, мудофаа, меҳнат ва адлия бошқармалари, вилоят Халқ қабулхонаси, йўл қурилиши ва кадастр хизмати раҳбарлари, Паркент тумани ҳокимлиги масъул ходимлари иштирок этган сайёр қабулда аҳолининг бу каби кўплаб мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати, шу жойнинг ўзида бир қанча муаммо ижобий ҳал этилди. Айримлари 5-10 кун ичида бартараф этишга келишиб олинди, масъуллар белгиланди.

"Новда" маҳалласида истиқомат қилувчи Гулнора Кенжаеванинг уй ҳужжатларидаги камчиликлар ўн кун муддатда тўла ҳал этиладиган бўлди. Бу иш назорати ва якунига етишини вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов ўз зиммасига олди.

Чиноз туманида бу йил 7 минг 800 гектар ерда сувли, 200 гектар лалми майдонда буғдойнинг серҳосил навлари парваришланди. Уни зараркунанда ва турли касалликлардан асраш мақсадида бир қатор ишлар бажарилди. Жумладан, кимёвий препаратлардан самарали фойдаланиб, далаларга тонналаб маҳаллий ўғит чиқарилди. Бу каби агротехник тадбирлар самараси ўлароқ, мўл ҳосил етиштирилди.

Барча туманларимизда бўлгани каби айни кунда Чинозда ҳам машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ғаллани тез ва сифатли, нест-нобуд қилмай, ўриб-йиғиб олиш ишлари қизғин паллага кирган.

Тумандаги "Умид" фермер хўжалиги даласидамиз. 2001 йили ташкил этилган мазкур хўжаликни Бейсенгул Жўлтаева бошқаради. Ғалла ўрилган майдонда кўтаринки кайфиятда юрган опани суҳбатга тортдик.

– Ўттиз гектар ерда парваришланган буғдойдан юқори ҳосил олиб, режани 116 фоизга бажардик, – дейди у. – Айни хурсандчилигимиз боиси ҳам шунда – меҳнатимиз ўз самарасини бериб, юзимиз ёруғ бўлганида.

Чиноздан қайтишда Янгийўл туманида тўхтадик. Маълумотга кўра, бу ердаги бир минг ўттиз учта фермер хўжалигида ризқ-рўзимиз ҳисобланмиш ғалла етиштирилибди. Улар орасида "Эски Қовунчи улуғ агро" фермер хўжалиги ҳам бор. Хўжалик даласига кеча ўроқ тушган экан.

– 10,5 гектарга экилган ғалламизни қисқа вақтда ўриб олдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Қўзибоев. – Ҳосил ёмон бўлмади. Режада белгиланган 26,5 тонна ўрнига 30 тоннадан ортиқ дон топширдик. Ихтиёримизда ҳам анча буғдой қолди. Энди – эрта-индин ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ишларини бошлаб юборамиз. Фурсатни бой бермаслигимиз керак.

Ўрим-йиғим даврида хавфсизликни таъминлаш, ўт балосининг олдини олиш ҳамда эҳтимолий ёнғинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида донни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарига ёнғин хавфсизлиги хизматининг икки юз нафарга яқин ходими бириктирилди. Улар томонидан туну-кун навбатчилик ташкил этилган.

Мавсумга тайёргарлик жараёнида вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва бошқа тегишли идоралар ходимлари ҳамкорлигида ҳосилдан бўшаган далаларни сомондан тозалашнинг аҳамияти, сомонни ёқиб юборишнинг салбий оқибатлари ҳақида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Дон қабул қилиш шахобчалари, корхоналар ва аҳоли гавжум жойларга ёнғиннинг олдини олишга қаратилган тарғибот материаллари ўрнатилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ғалладан бўшаган майдонларда қолган пояларни ёқиб юбориш ер унумдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Сомонни ёқиш тупроқнинг ҳосил учун фойдали ўғитларга бой юқори қатламини қотиради, мавжуд микроорганизмлар ва фойдали ҳашаротлар нобуд бўлади. Шунингдек, ҳосилдан бўшаган майдон вақтида шудгор қилинмаса, жазирама таъсирида тупроқ намлиги тез кўтарилиб, ерни қотириб ташлайди. Натижада, экин майдонини келгуси ҳосилга ҳозирлаш юмушларида харажат кўпайиб, ортиқча меҳнат ва қўшимча ёқилғи талаб этилади.

Буни яхши англаган деҳқонларимиз ҳосилдан бўшаган майдонларни зудлик билан сомондан тозалаш, ёқилишининг олдини олиш, шудгорлашга катта масъулият билан ёндашмоқда.

Жойларда бўлиб, вилоятимизда жорий ғалла ўрим-йиғим мавсуми уюшоқлик билан ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик. Ғаллазорларимиздаги ҳосил чўғи эса эртага юксак хирмон кўтарилишига ишончимизни оширди.

Мурод САЛИМ.



МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида Қибрай туманидаги "Бўстон" сиҳатгоҳида француз тили бўйича 4 кунлик ёзги оромгоҳ ташкил этилди.

Унда мактаб, лицей, олий ўқув юртларининг француз тили ўқитувчилари, тил ўрганаётган талабалар ҳамда ҳудудларда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи йўлбошчилар қатнашишмоқда. Ёзги оромгоҳ иш режасидан ўқув дастурлари, маҳорат дарслари ва франциялик мутахассислар иштирокида маданий учрашувлар ўрин олган.

Хуршида НАЗАРОВА.

❑ Ёз – 2017

"Асакабанк" томонидан Хумсон қишлоғида бунёд этилган болалар ёзги оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ХУМСОНДА ХУШМАНЗАРА ОРОМГОҲ ОЧИЛДИ

Масканда ўғил-қизларнинг кўнгилдагидек дам олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, саломатлигини мустаҳкамлаши ҳамда спорт билан шуғулланиши учун барча қулайликлар яратилган. 3,5 гектарга яқин майдонни эгаллаган оромгоҳда янги лойиҳа асосида ётоқ бинолари, ошхона, маданият ва маърифат хонаси, кутубхона, тўгарак хоналари, кинозал, спорт майдончалари ва сузиш ҳавзаси қурилди. Зарур жиҳоз ва анжомлар, китоб ва босма нашрлар, ўқув воситалари ва спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланди.

– Ҳафта кунларига алоҳида ном бериб, ўқувчиларнинг шу мавзуга оид билимлари оширилиб борилади, – дейди оромгоҳ раҳбари Уйғун Шаҳобов. – Ёш китобхон, хорижий тиллар, мусиқа, расм чизиш каби тўгараклар иш олиб бормоқда. Болаларнинг мириқиб дам олиши учун қизиқарли маданий-маърифий, спорт тадбирлари, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган викторналар, интеллектуал ўйинлар, танловлар ўтказилмоқда, табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилмоқда.

Оромгоҳга олиб борувчи йўлга асфальт ётқизилиб, сўлим гўшада ота-оналар ва дам олувчилар учун махсус айвончалар қурилди. Болаларга 5 маҳал иссиқ овқат, шарбату мевалар берилади. Малакали тиббий ва педагог ходимлар хизматда. Тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш гуруҳи, ички ишлар ҳамда "Асакабанк" масъул ходимлари узлуксиз навбатчилик қилади.

Бизга айтишларича, бу йил ёз мавсумида "Асака"да Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 500 нафарга яқин бола ҳордиқ чиқаради. Оромгоҳда 44 нафар одам ишли бўлгани қувонарли.

– "Асака" лагери менга жуда ёқди, – дейди Тошкент шаҳридаги 284-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фахриддин Рўзиев. – Кўплаб дўстлар орттирдим, тоғ қўйнидаги хушманзара масканда мазмунли дам олаяпмиз. Турли спорт ўйинларида иштирок этиб, маза қилиб чўмилаяпмиз. Қизиқарли китоблар билимимизнинг янада оширишга ёрдам бераяпти.

Хуррият МЎМИНОВА.
Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.



ЗАНГИ ОТА САЙИЛИНИ ТИКЛАШ ФУРСАТИ КЕЛМАДИМИ?

Сайил шаҳарларнинг бош майдонларида, чорсу ва расталарда, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда, шунингдек, қадамжоларда – йирик зиёратгоҳлар, авлиёларнинг мозорлари яқинида ўтказилиб, бир-икки ҳафта давом этган. Сайил якунида байрам дастурхони атрофида меҳмондорчилик қилинган. Сайил базми ниҳоясига етгач, иштирокчилар давра қуриб, кўпинча, Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим шундай номдаги байрам нишонланган. Занги ота мақбарасини зиёрат қилиш аввалбошда халқ учун диний маросим саналган бўлса, кейинчалик у одатий байрамга айланган.


Атоқли адиб Ғафур Ғулом "Шум бола" асарида уста Мирсалимнинг тилидан ушбу сайилга қуйидагича таъриф берган: "Чунончи, ўтган йили Занги ота сайилида шундай бир воқеа бўлди: сумбуланинг ўрталари, жума куни эди. Ҳазрати пирим сида ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган. Олимнинг фикрича, Занги ота сайили одатда қовун пишиғи мавсумида ўтказилган. Сайил асад (яъни, июль) ойида бошланиб, мезон (сентябрь) ойида якунига етган. Хусусан, 1929 йилдаги сайилнинг якуни 13 сентябрь, жума кунига тўғри келган.

Одатда, одамлар байрамдан бир неча кун илгари, жума куни қишлоқда тўпланганлар. Шу куни Занги ота қишлоғи росмана сайилгоҳга айланлаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Занги ота мажмуаси ва зиёратгоҳ атрофидаги 2,7 гектарлик ҳудудда янги масжид, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент вилоятидаги ваколатхонаси биноси, эски ҳовуз ўрнида 2 та замонавий фаввора, миллий андозадаги 2 та шийпон, уч қаватли меҳмонхона, ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиладиган ўндан ортиқ дўкон, деҳқон бозори ва чойхона барпо этилди.

Янги меъморий лойиҳага кўра, мажмуа дарвозаси ва деворлари янгидан қурилди. Эски миноранинг ўрнига масжид ёнида баландлиги 31 метрли янги минора бунёд этилди. Занги ота ва Анбар она мақбаралари ҳам таъмирдан чиқарилди, шу жумладан, бешта гумбаз қайта тикланди. Зиёратгоҳга келиш учун қулай асфальт йўл, ерости ўтиш йўлаги, автомобиллар тўхташ жойи қурилди. Мажмуа ҳудуди кенгайтирилиб, янада обод, кўркам ва кўкаламзор гўшага айлантирилди.

Шу ўринда, бир мулоҳазани, аниқроғи, таклифни илгари сурмоқчимиз: Занги ота сайилини қайта тиклаш фурсати келмадимикан? Фикримизча, агар у замонавий асосларда қайта ташкил этиладиган бўлса, биринчидан, ушбу улуғ сиймо номи билан боғлиқ тарихий байрамимиз ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос аҳамият касб этиши шубҳасиз. Иккинчидан, бу билан Занги ота мажмуаси тимсолидаги моддий-маданий меросимиз ва археология объектини муҳофаза қилиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш йўлида яна бир амалий қадам қўйилади. Учинчидан, бундай таъсирчан ва халқчил тадбир юртимизга хорижий сайёҳларни кенг жалб этишда муҳим омил бўлиши тайин.

Акмал САИДОВ,
профессор.



Машраб шеърлари билан айтиладиган қадимий қўшиқларни куйлашган.

Сайилгоҳларда ошхона, чойхона, новвойхоналар қурилган, мева-чева, атторлик, баққоллик дўконлари очилган. Пойга, улоқ, кўпкари, кураш, чавгон мусобақалари, дорбоз, ҳофиз, созанда, раққос, масхарабоз, қизиқчиларнинг чиқишлари, айиқ ва илон ўйнатиш, туя, қўчқор, хўроз, ит уриштириш, мушакбозлик каби томошалар намойиш этилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари халқ сайиллари мазмунан ўзгариб, янада миллий тус олди. Умумхалқ байрамлари, хусусан, Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни каби қутлуғ айёмларда сайиллар уюштирилмоқда. Бугунги кунда юртимизда Наврўз сайли, сумалак сайли, гул сайли, бойчечак сайли, чучмома сайли, тут сайли, ёзнинг бошида сув сайли, ўрик сайли, олма сайли, куз фаслида қовун сайли, узум сайли ва бошқа сайиллар мавжуд.

Шу ўринда тарихий "Занги ота сайили" байрамига алоҳида тўхталиш жоиз, деб ўйлаймиз. Маълумки, бир пайтлар Занги ота қишлоғида айни

Бошланиши 1-бетда.

Занги отанинг сайилгоҳига Майманаю Майсарадан, Ироқу Бадахшондан, Эрону Турондан, Ҳиндию Рум, Чинимочиндан, яъни жумлайи жаҳондан зиёратчилар йиғилган. Тошкентимизнинг эса бешикдаги боласигача кўчиб чиққан".

Чиндан ҳам, Занги ота сайили ҳам Тошкент шаҳри, ҳам унинг атрофида яшовчи аҳоли томонидан сабрсизлик билан кутиладиган, Тошкент ташқарисидан, шу жумладан, чет ўлкалардан ҳам кўплаб меҳмонлар иштирок этадиган гавжум байрам бўлган. Хорижлик тадқиқотчи Евгений Шуйлер 1873 йилда минтақамиз бўйлаб саёҳати чоғида Занги ота зиёратгоҳида бўлган ва ушбу сайилни томоша қилган. Шунингдек, таниқли рус сайёҳи ва олими В. Гордлевский 1929 йили илк бор Марказий Осиёда бўлиб, Аҳмад Яссавий юртига сафари ҳақидаги таассуротларида, жумладан Занги ота сайили тўғрисида ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган. Расталарда турли таом ва шарбатлар билан бирга, байрамга хос кийим-кечаклар сотилган. Байрам давомида сайилчилар турли халқ ўйинларида иштирок этишган, бахшию қиссахонлар қадимий қўшиқ ва ривоятларни куйлашган. Халқнинг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган дарвешлар эса Занги ота қабрида дуо ўқиш билан машғул бўлганлар. Афсуски, вақт ўтиши билан бу сайил унутилган.

Истиқлол йилларида Занги ота зиёратгоҳи тобора файзиёб бўлиб бораётганини эътироф этиш лозим. Бугунги кунда бу табаррук масканга наинки Марказий Осиё, балки мусулмон дунёсининг кўплаб мамлакатларидан зиёратчилар тўхтовсиз келиб турибди. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ва тик-

ЧЕВАР ҚИЗНИНГ ШАХСИЙ КОРХОНАСИ

Халқимизда "бўладиган бола бошидан маълум", деган гап бор. Эндигина 17 ёшни қарши олаётган Нилуфар ҳам тикувчилик йўналишида ўзининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиб, кўпчиликни ҳайратга солиб қўйди.

Интилиш

Янгийўл туманининг Қовунчи қишлоғида туғилган Нилуфар Мирзамаҳмудова ҳозирда тумандаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг тикув ва тикув трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш технологияси йўналишида таълим олади. Ёшлигидан тикувчиликка қизиққан қизалоқнинг келажакдаги нияти касб сирларини чуқур ўзлаштириб, трикотаж ва табиий матолардан ўзига хос дизайндаги миллий ва замонавий либослар туркумини яратиш.

– Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларни бу соҳага кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли кўпчилик тенгдошларим қатори мен ҳам ўз бизнес лойиҳамни амалга ошириш имкониятига эга бўлдим, – дейди Нилуфар. – Бунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кўмаги катта бўлди. Ҳаракатнинг туман кенгаши ташаббуси билан коллежимизда "Бўлажак тадбиркор – келажакка пойдевор" мавзуида ўтказилган ўқув-семинарда қатнашиб, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, тижорат банклари мутахассисларидан бизнес режа тузиш, банкдан кредит олиш ва ундан самарали фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ишни нимадан бошлаш кераклигини билиб олдим. Шу тарифа ўзимнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Замин" деб номланган хусусий корхонамни очдим. Ҳозир бу ерда 3 нафар тенгдошим билан фаолият олиб бораяпмиз.

Нилуфар ўқув-семинарда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишга йўналтирилган "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловлари ҳақида маълумот олиб, унда қатнашиш нияти пайдо бўлди.

– "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловида корхона фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳам билан иштирок этдим, – дейди ёш тадбиркор. – Бунинг учун 39 миллион сўмлик сармоя киритишни режалаштирмоқдаман. Танловнинг туман ва вилоят босқичида лойиҳам маъқулланди. Бу эса ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

Ҳа, Нилуфарнинг келгусидаги режалари катта. Унинг таъкидлашича, энг асосий вазифа аҳолига маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда, хориждаги етакчи фирмаларникидан қолишмайдиган сифатли кийим-кечак етказиб бериш. Шунингдек, "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловининг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритиш. Бу маблағ эвазига эса у тикувчилик тармоғини янада кенгайтириб, яна уч нафар тенгдошини иш билан таъминлашни ният қилган.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЭНГ ЯХШИ ТЎГАРАК РАҲБАРИ

Қибрай молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ҳамда илғор иш тажрибаларига эга бўлган тўгарак раҳбарларини аниқлаш, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш ва оммалаштириш мақсадида "Йилнинг энг яхши тўгарак раҳбари" кўрик-танлови ташкил этилди.

Таълим муассасалари ҳаётидан

Танлов ўқувчи-ёшларни тўгаракларга жалб қилиш, уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва изланишларини янада оширишга ёрдам беради.

Унда шаҳар-туманлардан келган 18 нафар тўгарак раҳбари беллашди. Якунда Ангрен тиббиёт коллежининг тўгарак раҳбари Наргиза Султонова 1-ўринни, Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи тўгарак раҳбари Сабира Раимбекова иккинчи, Бекобод тиббиёт коллежининг тўгарак раҳбари Муҳаббат Саъдуллаева эса 3-ўринни эгаллади.

Ғолиблар вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирландилар.

С. ҲАМРОҚУЛОВА.

Тараддуд

Ёзнинг эндигина биринчи ойи ўтиб бораяпти. "Toshkent HETK" акциядорлик жамиятининг вилоят шаҳар ва туманларидаги корхоналари эса куз-қиш мавсумига тайёргарликни анча барвақт бошлаб юборган. Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари қатъий режа асосида давом этмоқда.

ЁЗДА ҲАРАКАТ ҚИЛГАННИНГ ҚИШДА ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

– Биз куз-қиш мавсуми бошлангунга қадар бажарилиши лозим бўлган асосий ишларни ҳудудий акциядорлик жамияти белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда режалаштириб олганмиз, – дейди Оҳангарон тумани электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Аброр Йўлдошев. – Айни кунларда барча мукаммал ва жорий таъмирлаш чора-тадбирлари аввалдан ойма-ой қилиб тузилган жадвал асосида амалга оширилмоқда.

Корхона маъмурияти шу йил 1 июнгача бажарилган ишлар ҳақида тақдим этган маълумотномада келтирилишича, 75,7 километр узунликдаги ҳаво электр тармоқларининг 49,5 километри, 32 та трансформаторнинг 10 таси, яъни "Санам", "Чувилдоқ", "Ялпоқтепа", "Ёнариқ", "Бўстон" ва "Илғор" каби маҳаллаларда ўрнатилган трансформаторлар мукаммал таъмирланди.

Жорий таъмирлаш режасига киритилган 82 та трансформатордан 25 таси, 350,9 километр ҳаво тармоқларидан 84,58 километри созланиб, куз-қиш мавсумига шай қилиб қўйилди.

Электр таъминоти корхонаси бош муҳандисининг таъкидлашича, бутун республикада бўлганидек, туманда ҳам давлатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил давомида 5 та трансформатор пункти ҳамда қарийб 13 километр узунликдаги 0,4 кВ ҳаво тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Айни пайтда ушбу тадбирнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Дарвоқе, бу йил вилоят қишлоқларида барпо этилган янги уй-жой массивларидаги хонадонларни ҳам электр билан барқарор таъминлаш режалаштирилган. Хусусан, Оҳангарон туманидаги янги массивда битта трансформатор пункти қурилади ва 438 метр узунликда электр тармоғи тортилади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоят ҳудудида 12-18 июнь кунлари 45 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 17 таси аҳоли хонадонларига тўғри келди.

Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 7 таси электр симларининг қисқа туташуви, 14 таси болаларнинг шўхлиги, 24 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгиланган муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

МАЪРИФАТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Муҳтарам Юртбошимиз ўз сўзларида жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш энг мақбул йўл экани ва, шу боис, маърифат масканларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Халқимизнинг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг асосийси, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш мақсадида Тошкент шаҳрида Ислом маданияти марказини барпо этишга қарор қилинди.

Табиийки, бундай хайрли ишлар, ободончилик ва эзгуликлар юртда тинчлик бўлса ярашади, юртда хотиржамлик бўлса татийди. Бироқ, бугунги таҳликали даврда тинчлигимизга раҳна, осойишталигимизга таҳдид солувчи кучлар борлигини ҳам унутмаслик даркор. Айниқса, кейинги пайтларда муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, не-не хунрезликларни амалга ошираётган тоифа ва оқимлар қанчадан-қанча халқларнинг бошига кулфатлар солгани ҳаммамизга яхши маълум. Президентимиз мазкур анжуманда аҳолини, айниқса, ёшларни ана шундай ғаразли йўллардан асраш энг асосий масала эканини бот-бот таъкидлаб, бир пайтлар йўлдан адашиб, бузғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолганлар ҳам бизнинг юртдошларимиз экани, астойдил тавба қилиб, бугунги кунда ҳаётда ўз йўлини топиб, ҳалол меҳнат қилаётганларига бағримизни очиб, уларни махсус рўйхатдан чиқариш ва қисматларига қўйилган тамғадан халос этиш масаласини кўтарди. Юртбошимиз бугун оқни оқ, қорани қора, дейдиган вақт келгани, эзгу мақсадларга етиш йўлида ким биз билан бирга бўлса уни авф этиб, сафимизга олиш, аксинча, ёмон ниятидан қайтмайдиган бўлса, давлатимиз раҳбари.

Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз республикамиз дин пешволари, хусусан, имом-хатибларнинг бугунги фаолиятини эътироф этиб, муносиб баҳолаш билан бирга, улар орасида ўз хизмат масъулиятига бепарво бўлаётган, давр талабларидан ортда қолаётган лоқайдлари ҳам борлиги ташвишли ҳол эканини қайд этди. Бунга жавобан биз имом-хатиблар айтамизки, "Имомнинг Қуръони битта, унинг қибласи битта, муқаддас меҳроби ҳам битта. Шундай экан, унинг ўтирадиган курсиси ҳам битта бўлади". Бугун биз, имом-хатиблар ушбу анжуандайларга бизнинг орамизда ўрин йўқ эканини қатъий таъкидлади. "Йўлидан адашган болалар ҳам аслида бизнинг фарзандларимиз, уларни тўғри йўлга солишда ҳеч кимнинг бепарво бўлиб, четда туришга ҳаққи йўқ", – деди ҳаққимиз йўқ.

Анжуманда яна бир долзарб масала – оилалар тотувлигини асраш, арзимаган сабаблар билан содир бўлаётган ажримларнинг олдини олиш ҳам ўртага ташланди. Айрим чаласавод, бирор бир диний рутбага эга бўлмаган кишиларнинг фарзандларимизга ФҲДЁ идораларида никоҳни қайд этмасдан туриб, шаръий никоҳ ўқиб қўйишлари оқибатида бир қанча нохуш ҳолатлар келиб чиқаётгани кескин танқид қилинди. Жамиятда кўзга ташланиб бораётган кўп хотинлик ва унинг натижасида келиб чиқаётган бахтсизликлар, фарзандларнинг сарсон, оилаларнинг пароканда бўлиши аянчли экани таъкидланди.

Албатта, биз, имом-хатиблар бугунги таҳликали дунёда одамлар бир бурда нонга зор экани, бир оний тинчликка муҳтож эканини теран англаб турибмиз. Юртдаги тинчликнинг қадрига етиб, мусаффо динимизга амал қилиб, уни асраб-авайлаб яшаш борасида ҳар биримиз, таъбир жоиз бўлса, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам жавоб берамиз. Дин аҳлида агар Ватан туйғуси, халқ ғами, дин ташвиши, юрт тинчлиги қайғуси бўлмаса – яна кимда бўлиши керак?

Юртдаги тинчликни асраш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, муқаддас динимизни бузғунчи оқимлардан сақлаш, аввало, биз, имом-хатибларнинг муқаддас бурчимиздир. Бу масъулиятни шараф билан адо этиш учун бизда барча имконият, илм ва тажриба, куч ва ғайрат етарли.

Хайрулла ТУРМАТОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога "O`zinterqurilish" Республика ташқи иқтисодий фирмаси ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчасида сақланаётган: 1. "Башенный кран" LIEBHERR маркали 132EC-H8, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 762 550 521,53 сўм; 2. "Бетонасос" PUTZMRISTER маркали BRA 1406D, техник соз, бошланғич баҳоси – 146 518 780,98 сўм бўлган махсус қурилиш техникалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 20 июль соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 18 июль соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу куни сотилмаса, такрорий савдолар 2017 йил 27 июль ва 3 август кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2017 йил 27 июль кунидаги савдолар учун 25 июль соат 18.00 да, 2017 йил 3 август кунидаги савдолар учун 1 август соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишуви шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850. Савдо ғолибига 15 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "ВОСТОК" ИИЧБ ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 128-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Нексия" русумли, давлат рақами 01/331 МАА, 2003 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 18 293 000 сўм. 2. "Дамас" русумли, д/р. 01/346 МАА, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 11 856 000 сўм. 3. "ГАЗ-2410" русумли, давлат рақами 01/324 МАА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 2 645 000 сўм. 4. "ГАЗ-5204" русумли, давлат рақами 01/340 МАА, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 5 212 000 сўм. 5. "Зил КС2561" русумли, давлат рақами 01/336МАА, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 42 151 000 сўм. 6. "КАВЗ-3271" русумли, давлат рақами 01/341 МАА, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 4 142 000 сўм. 7. "КАМАЗ-53212" русумли, давлат рақами 01/233МАА, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси – 29 783 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 июль соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 21 июль соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аризалар қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

ЗЎРГА СОВРИН ЯРАШАР

Хитой Тайпейининг Тайчжун шаҳрида юнон-рум, эркин ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг истеъдодли полвонлари ғолиблик учун куч синашди.

Одатда, яккама-якка курашда муҳлису мутахассислар оғир вазнли полвонлар беллашувини алоҳида қизиқиш ва эътибор билан кузатади. Бу галги Осиё чемпионатида эркин кураш бўйича 120 килограмм вазн тоифасида зафар қучган Ҳасанбой Раҳимовнинг маҳорати алоҳида эътирофга лойиқ бўлди. Ёш полвонимиз мусобақа давомида хитойлик Бенксин Дуан, эронлик Шоён Жалилзода ва мўғулистонлик Лхагвагерел Мунхтардан устун келиб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Эркин кураш баҳсларида Жаҳонгирмирзо Туробов олтин, Иса Шапиев кумуш, Аббос Раҳмонов, Жабroил Шапиев ва Иброҳим Илҳомжонов бронза медаль билан тақдирланди.

Юнон-рум курашида яна бир оғир вазнли полвонимиз Темур Мирзо Мамажоновга тенг келадиган рақиб топилмади. 96 килограмм вазн тоифасида бел олишган ўзбек полвони қозоғистонлик Ўлжас Сирлибой, туркманистонлик Аслан Кулиев, ҳиндистонлик Сагар Сагар ва эронлик Амирмуҳаммад Ҳусайнризо Норузипасанднинг курагини ерга теккизиб, чемпион бўлди.

Жалгас Бердимуродов кумуш, Жасурбек Ортиқбоев ва Маҳмуд Бахшуллоев бронза медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Бахтигул Болтаниёзова кумуш, Оқтанга Кеунимжаева, Нодира Собирова, Ҳадича Нажимова бронза медалга эга чиқди.

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?

Жиззахда бўлиб ўтган "Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақаларида вилоят терма жамоаси ҳисобига жами тўртта олтин медаль қўшган спортчиларимиз Александра Юркевская ва Виктория Дирдина енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ кубогида ҳам юқори натижаларни қайд этди.



Пойтахтимиздаги "Шифокор" стадионида ташкил этилган мусобақада мамлакатимиз енгил атлетикачилари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан келган спортчилар ҳам ғолиблик учун куч синашди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Александра Юркевская мураккаб йўналиш – хотин-қизлар ўртасидаги еттикураш баҳсларида барча рақибаларини ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди. Истеъдодли спортчи 100 метрга ўтказилган эстафетада ҳам ғолиб чиқди.

Виктория Дирдина эса уч ҳатлаб сакраш бўйича энг юқори кўрсаткич билан биринчи, узунликка сакрашда иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Хотин-қизлар ўртасида босқон улоқтиришда Анастасия Асланиду олтин, найза улоқтиришда Фариза Абдувалиева кумуш, ядро ирғитишда Евгения Ильиних, диск отишда Муниса Режепова, еттикурашда Виолета Перегудова ҳамда югуриш баҳсларида Виктория Морозова бронза медалга эга бўлди.

Ўзбекистон очиқ кубоги мусобақасида эркаклар ўртасида узоқ масофага югуришда Тошкент вилояти спортчиларига етадигани топилмади. Беш ва ўн километрга югуришда Андрей Петров маррага биринчи етиб келган бўлса, Владислав Мамедов бир жуфт кумуш медаль билан тақдирланди.

Диск отиш беллашувларида вилоятимиз вакилларидан Иван Меркелов энг зўр натижани қайд этди. Марат Ҳайдаров эса шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Телевизион миниатюралар театрининг "Учрашув" фильмини бугун ҳам мароқ билан томоша қиламиз. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг совчи образи, унинг: "Мак..., мак..., макарон", дея дудуқланиб қолиши-ю, Бахтиёр Ихтиёров яратган образнинг баднафслиги каттаю-кичикни чин юракдан кулдирган эди.

Маънавият

СЕВГИ, БАХТ ВА... МАКАРОН

Хуллас, шу фильм орқали биз тўй борасида ҳаддидан ошиб, инсофни унутиб, сохта обрў олмоқчи бўлганлар устидан кулганмиз. Лекин, минг афсуски, ўшанда кулгига сабаб бўлган ҳолатлар бугун янада урчиб, ҳар куни кўз ўнгимизда содир бўлаяпти. Энди бунга кулишимиз керакми ёки куйишимиз, ҳайронмиз...

Англаганингиздек, гап яна бугунги тўйлар ҳақида. Оммавий ахборот воситаларида, маҳаллакўйлардаги суҳбатларда ҳар қанча муҳокама қилмайлик, кейинги пайтларда тўйлардаги дабдабаюасасалар ортса ортаяптики, заррача камайгани йўқ. "Карнайнинг ват-вати билан бир кунда ўтадикетади", дейиладиган тўй машмашалари узоқ чўзилиб, баъзан янги оиланинг бузилиши билан якунланаётгани, айниқса, ачинарли.

Бугунги тўйларимиз манзарасини бир кўз олдингизга келтиринг. Қўша-қўша антиқа машиналар, қатор-қатор танишнотаниш хонандалар, гуруҳлар (уларнинг аксари нима ҳақида қўшиқ айтаётганини ўзларияам билмайди ёки ҳамма билган эски ашулаларни ҳам бузиб айтади), дастурхонлардаги ижарага олинган қимматбаҳо егуликлар ва яна аллақаерлардан кириб келаётган андишадан ҳоли урф-одатлар... Таассуфки, чинакам маданий тадбир ўлароқ ўтиши керак бўлган тўйларимиз, аксар ҳолларда маданиятсизлик белгиси сифатида таассурот қолдираяпти.

Йиллаб йиғиб, кўпинча, қарз-ҳавола қилиб, зў-ўр тўй ўтказишдан кимга фойда? Олинган қарзларни тўлаш учун бутун оила яна йиллаб тер тўкади. Бу орада қарзини қистаб келганлар билан қанча дилхираликлар бўлади.

– Кейинги пайтларда банкдан кредит олиб тўй қилишлар ҳам урфга кирди, – дейди кекса отахонларимиздан бири Шукурулло Абдуллаев. – Банкнинг имтиёзли кредитлари эвазига ёш оилага уй ва энг зарур рўзғор буюмлари совға қилинса, тушунса бўлади. Аммо, бир кунлик тўй учун йиллар давомида бадал тўлаш ақлга сиғмайдиган иш, деб ўйлайман.

Кўпинча, ота-оналар тўйдаги чиранишларга ёшларнинг ҳавас-истакларини асосий сабаб қилиб кўрсатишади. Бироқ, бугун чет эллардаги энг нуфузли олий илм даргоҳларида таҳсил олаётган замонавий ўғил-қизлар бир кунда бор бисотини совуришдан кўра, бошқа фойдали тадбирни афзал билишлари аниқ. Фикримиз тасдиғи учун йигирма ёшли Шоҳзамон Турдиевнинг таклифини келтириб ўтамиз:



– Менга қолса, оилавий маблағни бир кунда тўкиб-сочиб юборгандан кўра, келин-куёв дунёнинг машҳур шаҳарларини, маданият марказлари, музейларини ёки жаҳоннинг етти мўъжизаларидан бирини бориб кўргани минг марта афзал. Саёҳат қилган одамнинг дунёқараши кенг бўлади. Ҳаёт бир кунлик еб-ичардан иборат эмаслигини янада теран англайди...

Демак, биз катталар ўзимизнинг бемаъни орзу-ҳавасимизга ёшларнинг орзу-истакларини рўкач қилишимиз худбинликдир.

– Бугун айрим тўйларда келиннинг даврага чиқиб, ярашмаган қилиқлар билан ўйинга тушиши-ю, ортидаги дугоналарига гул отиши қайси ўзбекчиликка тўғри келади?! Келин отган гулни қизларнинг талашиб-тортишиб олаётганини кўриб ёқа ушлайсан, киши. Нима эмиш, шу гулни ким илиб олса, келин бўлиш навбати ўшанга насиб этармиш. Ўзбек қизлари қачондан бери келинликни очиқдан-очиқ талашадиган бўлди, уят қайда қолди?! – дейди 80 ёшли Мўътабархон ая.

Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор "Тўйлар муборак" номли мақоласини шундай хотималайди: "Биз бу ерда тўйни улуғвор ва чиройли қилиб ўтказиш, уни ортиқча чиқимлардан бўшатиш тўғрисида гапирдик. Ортиқча чиқимлар фақат тўйдагина эмас, ундан олдин ва кейин ўтадиган турли "тўйчалар"да ҳам бўлади. Биз бу тўғриларда ҳам фикр олишиб, янгича тўйнинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва гўзал шаклини топишимиз керак". Қарангки, ярим аср аввал кўтарилган масала, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Наҳот, бу муаммони ҳал этиб бўлмаса?!

Фикрларимизни киноижтибос билан бошлагандик. Яна кинодан мисол келтирамиз. "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги Марям Ёқубова яратган кайвони – Ойпошша эри (Раҳим Пирмуҳаммедов)га дейди:

– Ҳай, менга қаранг, артистларга айтинг, вахлироқ келишсин. Товушлари етти маҳаллага эшитилмаса, мендан бир тийин ҳам олишолмайди. Тўй-тўйдай бўлсин. Маҳаллада дув-дув гап бўлсин, дейман... Ҳай, нечта қўй олдиз?

– Битта қўзи олгандим.

– Овозингизни ўчиринг!.. Ўнта қўй нима бўлади?.. Душманларим аламидан куйиб ўлсин дейман-да...

Хуллас, бир пайтлар ўзимиз фильм яратиб, устидан кулган ноўрин урф-одатларга юз тубан кетиб, дув-дув гапга қолмайлик. Яхшиси, оиламиздаги аҳиллик, фарзандларимиз бахти, уларнинг илму ҳунарда, санъату спортда эришган ютуқлари маҳаллада дув-дув гап бўлсин!

Шоира БОЗОРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ЧАМАНДА ГУЛ ОЧИЛДИ-Ё...»

Зангиота туманидаги 32-Болалар мусиқа ва санъат мактабида кичкинтойларнинг "Жажжи гўзал" фестивали ўтказилди. Унда тумандаги мактабчага таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этди.

Болалик боғи

Саҳна ортидаги болажонларни кузатамиз. Ҳаммалари ўз рақсига мос либосларда ўртага чиқиш учун навбатда туришибди.

Болажонлар томонидан "Чаманда гул", "Сув ва биз", "Спорт ва мусиқа", "Лазги" "Ассалом" сингари 20 дан зиёд рақс намойиш этилди, озод ва обод Ватанни, бахтиёр болаликни тараннум этувчи шеърлар ифодали ўқилди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари эса кичкинтойларнинг танлаган мавзу, либос ва рақслари уйғунлигию болаларнинг саҳнада ўзини тутиши, ижро маҳоратларини баҳолаб бордилар.

Танлов якунига кўра, 46-МТМ кичкинтойлари ғолиб бўлиб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Дилбар ШАРИПОВА.

Рамазон ҳикмати

ТУНГИ ХАЁЛЛАР

Китоб – бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

• • •

Худо инсонни бир умр бахт излаш азоби билан жазолаган.

• • •

Баъзилар ҳақида яхши гапирсанг, лаганбардор бўласан, ёмон гапириш – хавфли.

• • •

Қариликдан қўрқма, унга ҳали етиш керак.

• • •

Шундай йилларни кўрдикки, бахтли бўлиш уят эди.

Физикада оқибат сабабга тенг. Ахлоқда ҳам шундай.

• • •

Бахт – бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

• • •

"Вақт ўтаяпти!" деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтаяпмиз...

Асқад МУХТОРнинг "Уйқу қочганда..." китобидан олинди.



Реклама ҳуқуқи асосида

AGROBANK

Пластик картангиздаги маблағни кўпайтиришни истайсизми? Марҳамат! Бу борада Агробанк Сизга ўзининг пластик картадаги янги омонат турларини таклиф этади.

*Банк томонидан иккита янги **«СПК ЖАМҒАРМА»** ва **«СПК МУДДАТЛИ»** номли юқори фоизли пластик карта депозит турлари жорий этилди. Ушбу жозибадор омонат орқали Сиз нақд ёки пластик картадаги пуллар ҳисобидан депозит картани тўлдириб бориб, маблағингизни жамғариб боришингиз мумкин.*

Ушбу депозит турлари ҳақида ўзингизни қизиқтирган бошқа саволларга жавобларни ҳамда қўшимча маълумотларни agrobank.uz сайтидан ёки жойлардаги банк филиалларидан олишингиз мумкин.



Ҳизматлар лицензияланган.

XXI аср ва дунё

Велосипед мининг, узоқ яшайсиз

Глазго университети олимлари беш йиллик тадқиқотлардан сўнг, мунтазам велосипед миниш оғир касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини қарийб икки баробарга камайтиришини исботлашди.

Тадқиқотга жалб қилинган 260 мингдан зиёд одам ҳар куни ишга велосипедда бориб келди ва ўзларида бўлган ўзгаришлар ҳақида мутахассисларга маълумот бериб турди.

– Велоспорт анча фаолликни талаб қилади, – дейди тадқиқот натижаларини назорат қилиб борган шифокор Эндрю Коуэрд. – Велосипед миниш нафас олиш ва юрак уришини меъёрида тезлаштиради. Бу саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олиш учун айни муддаодир.

Аниқланишича, мунтазам велосипед миниб юрган одамда саратон билан касалланиш хавфи 45 фоизга, юрак-қон томир хасталигига чалиниш эҳтимоли 46 фоизга камаяди.



Шифокорлар пиёда юриш ҳам инсон саломатлиги учун фойда эканини, бироқ велосипед кўпроқ самара беришини алоҳида таъкидлашди.

Замонавий «Одиссей»лар

Гавайи пойтахти Гонолулу халқи уч йил аввал йўлга чиққан денгизчиларни тантанали кутиб олди. Гап шундаки, бу гуруҳ дунё тарихида илк маротаба Полинезия каноэси – "Хокулеа"да оламга саёҳатни амалга оширди.



Анъанавий Полинезия каноэси 1975 йилда экспедициялар учун қурилган. Денгизчилар 2014 йилнинг майида дунё бўйлаб саёҳатга отланди ва елканли катамаран экипажи сузиш давомида замонавий технологиялардан умуман фойдаланмасликка қарор қилди. Улар борадиган манзилларини қуёш, юлдузлар, тўлқин ва қушлар ҳаракатига қараб аниқлаб борди.

Ер куррасида экологияни ривожлантириш ғоясини тарғиб этиш мақсадида ташкил қилинган экспедиция аъзолари 74 минг километрлик сув йўлини босиб ўтди, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлди ва ниҳоят, шу йилнинг 17 июнь куни ўз юртига қайтиб келди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9344. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30.